

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИБОЕВА МУҚАДДАС АБДУРАҲИМОВНА

**ЖАДИД АДИБЛАРИ ИЖОДИДА МУМТОЗ
АДАБИЁТ АНЪАНАЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Science**

Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна

Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари 3

Таджибаева Муқаддас Абдурахимовна

Традиции классической литературы в творчестве писателей-джадидов... 31

Tojibayeva Mukaddas Abdurakhimovna

The traditions of classical literature in the works of jadid writers 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 68

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИБОЕВА МУҚАДДАС АБДУРАҲИМОВНА

**ЖАДИД АДИБЛАРИ ИЖОДИДА МУМТОЗ
АДАБИЁТ АНЪАНАЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Fil.103 рақам билан рўйхатга олинган.

Тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Каримов Наим Фотиҳович**
Ўз ФА академиги, филология фанлари доктори,
профессор

Салоҳий Дилором Исомиддин қизи
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50, факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» «_____» куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф. н.

Н.Ф.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф. д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати. Дунё адабиёт-шунослигида жадидчилик даври адабиётининг шаклланиш, ривожланиш ва поэтик хусусиятлари муайян даражада кузатилган, жамият ҳаётидаги ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги тутган ўрни кўрсатилган. Айни пайтда, жаҳон адабиётининг узвий қисми бўлган ўзбек жадидчилик даври адабиётини ўрганишдаги муаммолар кўп қатламли бўлиб, давр адабиётига хос алоҳида хусусият, анъанавийлик, ворисийлик, янгилик ва ўзгаришларни тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослик ва адабий алоқалар йўналишларида тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳолат, айниқса, Шарқ халқлари адабиётларида деярли бир вақтга тўғри келиши уларнинг ўзига хосликларида муштараклик касб этиши билан ҳам белгиланади.

Жаҳон адабиётшунослигида жадид маърифатпарварлик адабиёти билан боғлиқ масалалар, хусусан, жадид адиблари асарларининг матни ва маъно қатламларини чуқур ўрганиш, жадид адиблари ижодини янгича йўналишда тадқиқ этиш, ҳар бир ижодкор шахсияти ва ижодий меросини тарихий нуқтаи назардан баҳолаш аллақачон табиий жараёнга айланганлиги нуқтаи назаридан бу йўналишларда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Ўзбек мумтоз адабиёти дунё бадиий тафаккури тараққиёти ва тақомилига муносиб улуш қўшганлиги билан башарият маънавий ва маърифий ривожига ўзига хос мавқеъ касб этади. Зеро, «бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади»¹. Бинобарин, мумтоз адабиёт анъаналарининг бугунги маданий, адабий ва тарихий қадриятлар тикланиши жараёнига татбиқ этилиши, айниқса, ёш авлод маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилиши нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос маърифий-тарбиявий аҳамият касб этади. Жадид адиблари мумтоз адабиёт тарихи ғоявий-бадиий анъаналари ва шеърий шакллари XX аср бошларидаги янгича шароитда давом эттирдилар, мумтоз адабиётимиз жанр хусусиятларини ўз ижодларига сингдириб, мумтоз анъаналарни янгилашга ҳаракат қилдилар, адабий тараққиёт жараёни узлуксизлигини таъминладилар ҳамда миллий уйғониш даври адабиёти тақомилида анъанавий адабий жанрлар, тимсол ва поэтик унсурлардан самарали фойдаландилар. Шунингдек, ушбу муносабатлар шаклланишидаги ислохотчилик, адабий-бадиий янгиликларга замин бўлган мумтоз анъаналарга ворислик ва адабий таъсир масалаларини ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг ўзига хос муаммоларидан бўлиб, уларни ҳал қилиш зарурати тадқиқот мавзуси долзарблигини белгилайди. Зеро, яқин

¹ Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

даврларгача адабиётшуносликда жадид адабиётининг шаклланиши ва тараққиётини баҳолашда унинг янгилик ҳаракатларига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда мумтоз адабиётдаги анъаналар тадрижийлиги масаласи етарли даражада илмий умумлаштирилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797- сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Фармони, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451- сонли «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909- сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271- сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, илмий-педагогик фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ тарзда амалга оширилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ўзбек жадид адабиёти ва унга мумтоз адабиётнинг таъсири масаласи жаҳондаги бир қатор илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Indiana University, Columbia University (USA), Humboldt Universität (Germany), Tokio University (Japan), Azərbaycan Dövlət Mədəniyyət və Əncəsənət Universiteti, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Андижон давлат университетида илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хориж адабиётшунослигида жадид адабиётининг ўрганилиши натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: туркий халқлар ўз ўтмишларининг маданий жиҳатдан истиқболсиз эмаслигини кашф қила бориши натижасида ўз тарихини қайта идрок этаётганлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилган (АҚШ халқаро илмий тадқиқотлар маркази - IREX); мумтоз адабиёт ва унинг замонавий адабиётдаги кўринишлари масаласига эътибор қаратилиб, бир қатор жадид адиблари, жумладан, Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи баёноти» қиссаси мумтоз насрий асарларга боғлаб изоҳланган (Stanford University, АҚШ); Фитратнинг «Ўзбек адабиёти

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий-илмий тадқиқотлар шарҳи www.indiana.edu, www.universityofcalifornia.edu, www.humboldt.edu, www.ziyou.net ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

намуналари»га кирган мумтоз манбалар ва бадий асарлари ўртасидаги муносабат ўрганилган (Tokyo University, Япония); мумтоз анъаналарнинг асар таркибидаги ўрни масаласи аниқланган (Columbia University, АҚШ); «Ўткан кунлар» романининг баён услуби ҳақида тўхталиб, бу асарни структурал жиҳатдан таҳлил қилиш орқали муаллиф халқ дostonлари услубидан кенг фойдалангани, «Меҳробдан чаён» романи эса, бу услубдан узоқлашиш йўсинида битилгани қайд этилган (Washington University, АҚШ); XX аср ўзбек романлари тарихий аспектда ўрганилар экан, «Ўткан кунлар» поэтикасидаги тарихий асарлар излари тадқиқ этилган (University of Wisconsin-Madison, АҚШ); Чўлпон шеърляти, ижодкор шахсияти ва унинг тарихий меросга муносабати масаласи кузатилган (Bilkent University, Туркия); Туркистондаги миллий тикланиш жараёнида бадий санъатнинг ўрни, адабиётнинг ўтмиш анъаналарига муносабати масаласи ўрганилган (University of Texas at Austin, АҚШ). Шунингдек, Алишер Навоий ижодининг турк шоири Аҳмад Пошога таъсири давомий бўлиб, уни XX аср шоирларига нисбатан ҳам қўллаш мумкинлиги эътироф этилган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); А.Қодирийнинг ҳар иккала романи уйғунликда қиёсий талқин этилар экан, романларда икки ечимлилик, яъни халқ эртаклари ва реалистик жиҳатлар мавжудлигига алоҳида тўхталинган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети).

Жаҳон адабиётшунослигида ўзбек жаҳид адибларининг ҳаёти ва фаоляти, асарларининг мафкуравий жиҳатларини ўрганиш, жаҳид адибларининг номаълум асарларини излаб топиш ва илмий муомалага киритиш, мумтоз адабий анъаналарнинг жаҳид адабиётига таъсирини очиб бериш каби устувор йўналишлардаги илмий тадқиқотлар муҳим назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар З.Мирзаеванинг XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилишига доир тадқиқотларида таҳлил этилган³.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшуносликда XX аср бошларидаёқ ўзбек жаҳид адабиётига мумтоз адабиётнинг таъсири масаласини ўрганишга киришилган бўлса-да, шўро адабиётшунослигида жаҳид адиблари ҳаёти ва адабий фаоляти қатағон қилинган сабабли бу илмий ҳаракат муайян муддат тўхтаб қолиб, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Э.Каримов, Б.Қосимов, А.Алиев ва тожик олими Х.Мирзозода илмий тадқиқотлари ушбу жиҳатдан эътиборга сазовордир⁴. XX асрнинг 80-йиллари охири ва мустақиллик даврида О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Қосимов, Б.Назаров, Ҳ.Болтабоев, Ш.Ризаев, И.Ғаниев, Д.Қуроноф, Б.Каримов, У.Жўрақулов каби адабиётшунослар жаҳид адабиётини изчил равишда тадқиқ этдилар⁵.

³ Мирзаева З. XX ўзбек адабиётининг хорижий тадқиқотчилари. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016; XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Akademnashr, 2017.

⁴ Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. – Ташкент: Фан, 1975; Қосимов Б. Излай-излай топганим. – Тошкент, 1981; Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. – Тошкент, 1983; Алиев А. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат. – Тошкент, 1991; Мирзозода Х. Основные вопросы идейно-эстетического развития таджикской поэзии 20-х годов: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Душанбе, 1968.

⁵ Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Тошкент: Ёзувчи, 1994; Норматов У. «Ўткан кунлар» хайрати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва

Ушбу олимлар илмий тадқиқотларида жаид адиблари ижоди изчил ўрганилган, уларнинг миллий адабиёт тарихидаги ўрни кўрсатилиб, маҳорати масалалари чуқур очиб берилган. Бундан ташқари, Навоий ижодида Фирдавсий анъанаси, Навоий ва ижодий таъсир масалалари ҳамда мумтоз адабиётнинг Ҳамза, Қодирий ижодига таъсири ҳақида баъзи ишлар амалга оширилган⁶. Н.Афоқованинг «Жаид шеърияти поэтикаси» тадқиқотида эса масаланинг А.Авлоний, Ажзий, Чўлпон ижоди билан боғлиқ қирралари таҳлилга тортилган⁷. Бу ишларда муаммонинг айрим жиҳатларига муносабат билдирилган бўлса-да, бироқ жаид адабиётида мавжуд бўлган мумтоз адабий анъаналар таҳлил этилган махсус тадқиқот яратилмаган эди. Бинобарин, диссертациямиз мавзуси ушбу илмий муаммони монографик планда махсус тадқиқ этувчи иш эканлиги билан ажралиб туради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқотлар режаси ҳамда ОТ-Ф8-151 «Адабиёт энциклопедияси» (2007-2011) ва Ф1-02 «Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи» (2012-2016) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек жаид адиблари асарларида акс этган мумтоз адабий анъаналарнинг йўналиши, анъанавий тимсолларнинг бадиий асарлар таркибидаги ўрни, муаллиф ўзига хослиги ва маҳоратини белгилашдаги иштирокини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анъана, ворислик ва адабий таъсир масалаларига жаид адиблари муносабатини аниқлаш;

жаид адиблари ижодида ғазал жанрининг қўлланилиш даражаси ва жанр поэтикасига киритилган янгиликлар қўламини белгилаш;

XX аср бошлари ўзбек шеъриятидаги кичик лирик жанрларнинг жаид шоирлари ижодидаги ўрни ва бадиий маҳорати нуқтаи назаридан очиб бериш;

миллий истиқлол мафкураси: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002; Назаров Б. Фитрат маърифатининг гултожи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №8. – Б. 8–9; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1996. – 367 б.; Ўша муаллиф. Фитрат ва жаидчилик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2007; Ризаев Ш.Т. Ўзбек жаид драматургиясининг шаклланиш манбалари: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1995; Ғаниев И. Фитрат, эътиқод, ижод. – Тошкент: Камалак, 1994; Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 1998; Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004; Каримов Б. Жаид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Тошкент: Университет, 2000; Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006.

⁶ Ҳомидов Ҳ. Навоий ижодида Фирдавсий анъанаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985; Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968; Мўминов Ғ. Традиция ва маҳорат / Ҳ.Ҳ.Ниёзий поэзиясида традиция ва новаторлик масаласи. – Тошкент: Фан, 1968; Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари (девон мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1992; Соатова Н. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида эпик тасвир анъаналари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001.

⁷ Афоқова Н. XX аср ўзбек адабиётида рубоий ва қитъа. – Тошкент: Фан, 2005; Жаид шеърияти поэтикаси. – Тошкент, 2006.

жадид адибларининг ижодида акс этган мусаммат ва унинг шаклларига доир янги хусусиятларни аниқлаш;

шеърятда фаол қўлланилишда бўлган анъанавий тимсоллар ва бадиий тасвир воситаларининг янгиланиш жиҳатларини асослаш;

аруз вазни ва мумтоз қофия тизимининг XX аср шеърятидаги даражасини белгилаш;

қисса ва ҳикояларда акс этган мумтоз адабиётга хос хусусиятларни аниқлаб, насрдаги янги тамойиллар шаклланишидаги ўрнини тайин этиш;

жадид романчилигида мумтоз наср хусусиятларига хос услубий жиҳатларнинг акс этиш миқёсини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек жадид адиблари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Мўминжон Тошқин сингари адибларнинг мумтоз адабий анъаналар акс этган асарлари белгиланди. Шунингдек, Сиддиқий Ажзий, Сидқий Хондайлиқий, Боту ва Элбекнинг айрим асарлари мавзу талаби билан таҳлилга тортилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек мумтоз адабиётида фаол қўлланилган жанр, услуб, тимсол, вазн ва қофия хусусиятларининг янги ўзбек адабиётидаги ўрнини аниқлаш ва таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, типологик усулларга асосланилди. Айрим асарлар таҳлилида структурал поэтика имкониятларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги ўзбек адабиёти тараққиётининг асосий омилларидан бўлган мумтоз бадиият қонунларининг жадид адиблари ўзига хослигини шакллантиришдаги роли очиб берилган;

адабий анъана, ворислик ва адабий таъсир муаммоларининг назарий асослари ва жадид адибларининг мумтоз меросга муносабатдаги илмий позицияси кўрсатилган;

жадид адиблари ижодида ғазал, лириканинг кичик жанрлари ва мусаммат шакллариининг қўлланилиш даражаси ҳамда жанр поэтикасидаги янгиликлар аниқланган;

шеърятда фаол қўлланилишда бўлган анъанавий тимсоллар ва бадиий тасвир воситаларининг замонавий матнлар структурасидаги ўрни белгиланган;

жадид шоирларининг аруз вазни ва мумтоз қофия тизимига мурожаати сабаблари ҳамда уларни қўллашдаги поэтик маҳорат ва ўзига хослик даражаси асосланган;

янги ўзбек насрида ҳикоя, қисса ва саёҳатнома типидagi асарлар поэтикаси ворислик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, улардаги мумтоз насрга хос жиҳатларлар билан янгиланиш тамойилларининг синтезлашуви аниқланган;

жадид романчилигида акс этган мумтоз насрга хос поэтик хусусиятлар, услубий жиҳатларнинг ўрни ва роли кўрсатилиб, уларнинг ўзбек романи шаклланишидаги иштироки кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот объектларидан бири саналган Мўминжон Тошқиннинг «Турмуш урунишлари» (Тошкент, 2015) асари эски ўзбек (араб) ёзувидан табдил қилиниб нашр этилган. Шунингдек, муаллифнинг «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» (Андижон, 2008), «Ўзбек адабиёти» (хаммуаллиф, Тошкент, 2013), «Milliy uygʻonish davri oʻzbek adabiyoti» (Toshkent, 2017) каби ўқув қўлланмаларида баён қилиниб, илмий-адабий жамоатчиликка етказилган. Жадид адабиёти янги ўзбек поэтикасининг шаклланишида ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий муҳим аҳамият касб этгани кўрсатилган асарлар воситасида исботлаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган илмий муаммонинг аниқ ўрганилиш чегаралари белгилаши, чиқарилган хулосалар илмий асосланганлиги, тарихий-қиёсий ва аналитик усуллардан фойдаланилганлиги ва таҳлил жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда янги ўзбек адабиёти табиатидан келиб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўзбек жадид адабиёти яхлит тадқиқот объекти қилиб олингани ҳолда янги адабиёт шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган мумтоз адабий манбаларнинг ўрганилиши, жадид адиблари поэтик маҳоратларини ўрганишда етакчи омил бўлгани, янги ўзбек адабиёти вужудга келишида пойдевор бўлган ижодкорларнинг ўзига хослиги белгиланиши ва уларга асос бўлган бадиий асарлар таҳлилга тортилиши диссертациянинг илмий-назарий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек миллий уйғониш даври адабиёти тарихини яратишда, таълим тизимида ўзбек адабиёти тарихини ўқитишда, жадидчилик ва жадид насрига оид махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда ҳамда мамлакат олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертациянинг «Анъана, ворислик ва адабий таъсир муаммолари», «Адабий анъаналарига ворислик масаласига муносабат», «Мумтоз анъаналар ва жадид насрининг янгиланиш тамойиллари» каби мавзуларидан Бехбудий, Авлоний, Ажзий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон ижодий фаолияти ва адабий қарашларини ёритишда Ўзбекистон Миллий университетидеда бажарилган ОТ-Ф8-151 «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 январдаги ФТК 0313/61-сон маълумотномаси). Натижада «Адабиёт энциклопедияси»даги «Анъана, ворислик ва адабий таъсир», «Адабий анъаналарга ворислик», «Мумтоз анъаналар ва жадид насрининг янгиланиш тамойиллари» мавзулари материаллари бойитилган. Анъана, ворислик, адабий таъсир атамаларининг изоҳлари мукамаллаштирилган.

Жадид адибларининг мумтоз адабий анъаналарга ворислик масаласига муносабати, Алишер Навоий асарларининг XX аср бошлари ўзбек шеърятига таъсири, мумтоз лириканинг кичик жанрлари ва мусаммат

шакллариининг жаид адабиётига қўлланилишига доир назарий хулосалардан Давлат адабиёт музейида бажарилган Ф1-ФА-0-55746 «Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб нашрга тайёрлаш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 15 февралдаги №311255-415-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида жаид адиби Хуршид ижодида мумтоз адабий анъаналарнинг ўрни, айниқса, Навоий ижодининг таъсири масалалари аниқлаштирилиб, Хуршид каталоги тайёрланган ва нашр қилинган; Хуршиднинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссасини тадқиқ этишга доир янги адабий манбалар илмий муомалага киритилган.

Янги ўзбек насрида ҳикоя поэтикаси ворислик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, улардаги мумтоз насрга хос хусусиятлар билан янгиланиш тамойилларининг синтезлашуви аниқланган ҳамда жаид романчилигида, хусусан, Абдулла Қодирий романларида мумтоз наср поэтик хусусиятларига издошлик ва ўзига хослик жиҳатлари белгиланганига доир назарий хулосалар Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА-Ф1-Г039 «Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» фундаментал грант лойиҳасига татбиқ этилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 15 февралдаги №311255-415-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида «Абдулла Қодирий қомуси»нинг «Қодирий романлари», «Ўткан кунлар» каби мақолалари ёзилган, улардаги мумтоз насрга хос хусусиятлар билан янгиланиш тамойилларининг синтезлашуви аниқланган ҳолда янги илмий материаллар билан тўлдирилган.

XX аср бошларида яшаб ижод этган Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Абдулла Қодирий каби жаид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналарига тааллуқли хулосалардан Туркия Жумҳурияти Карабук университети «ТЕД 323 Ўзбек адабиёти», «ТДЕ 488 Матн шарҳи», «ТДЕ 231 Шеър таҳлиллари», «ТДЕ 495 Илмий тадқиқот усуллари» фанлари ҳамда Илмий тадқиқотлар лойиҳалари координаторлигининг давлат гранти асосидаги «Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романининг таҳлили» мавзусидаги RBUBAR-17-YL-184 рақамли илмий лойиҳасида фойдаланилган (Карабук давлат университетининг 2018 йил 20 февралдаги 008/4-сон маълумотномаси):

натижада талабаларнинг ўзбек мумтоз, жаид ва замонавий адабиёти ҳақидаги билимларини оширишга эришилган, айниқса, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Абдулла Қодирий каби жаид адибларининг ҳаёти ва ижодиётини ўрганишда бу янги маълумотларнинг аҳамияти катта бўлган;

тадқиқот натижалари Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Боту, Ойбек каби шоир ва адибларнинг Мирзакалон Исмоилий ижодиётига таъсирини аниқлаш ва тўлдиришда манба ва йўлланма бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотнинг «Жаид адабиёти ва мумтоз анъаналар» йўналишидаги натижаларидан япониялик тадқиқотчи Мунанури Иноенинг Туркия

Жумҳуриятининг Фотиҳ университетида бажарилган «Ўзбек адиби Мўъминжон Тошқиннинг «Шоирлар тазкираси» ва таҳлили» мавзусидаги юксак лисанс (МА) диссертациясида фойдаланилган (Фотиҳ университетининг 2018 йил 20 февралдаги 008/5-сон маълумотномаси). Натижада япониялик тадқиқотчи диссертацияси жаҳид адиби Тошқиннинг тазкиранависликда мумтоз адабий анъаналарга ворислик масаласига муносабати, романчиликда мумтоз наср поэтик хусусиятларига издошлик ва янгиланиш тамойилларига доир хулосалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро конференция ва 13 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 2 та монография, Мўъминжон Тошқин «Турмуш урунишлари» асарининг сўзбоши ва изоҳлар билан таъминланган матни нашри, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 илмий мақола, жумладан, 11 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 269 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари тавсифланган, тадқиқот усуллари белгиланган ҳамда эълон этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Анъана, ворислик ва адабий таъсир муаммолари ҳамда уларга муносабат**» деб номланади. Бобнинг «Анъана, ворислик ва адабий таъсир муаммолари» деб номланган 1-фасли диссертация олдига қўйилган илмий муаммонинг назарий масалаларига бағишланган.

Ҳар қандай миллий адабиёт ўз тараққиёти давомида ўзигача ўтган маънавий меросга таянади, ўтмиш адиблари ижодини қайта бадиий идрок этади ва уларнинг ижодий хусусиятларини ўзида мужассам қилади. Мумтоз бадиий меросга ворислик ана шу анъаналарни янгилашда, уларни янги давр шароитига мос ҳолда келажакка тақдим қилишда кўринади. Шунинг учун ҳам адабий жараён ҳодисасини ўрганишда анъана ва янгилик, маданий меросга ворислик ва адабий таъсир масалалари адабиётшуносликнинг муҳим илмий муаммолари саналади.

Анъана ва ворислик нафақат бадиий адабиёт ва санъатга хос ҳодиса, балки у фалсафий категория ҳамда жамият тараққиётининг муҳим омили

экани ҳам ўз даврида аниқлаб берилган. «Бутун тарих давомида, – деб ёзади файласуфлар, – маданий меросдан фойдаланиш ва уни ўзлаштириш жараёни икки хил аспектда содир бўлган. Ворисликнинг биринчи («вертикал») аспекти ўтмиш билан ҳозирги замоннинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Бошқа бир («горизонтал») аспекти эса бир даврда мавжуд бўлган маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнидаги ворислик кўринишидир»⁸. Гарчи формал бўлса-да, бундай қараш адабий анъана ва ворислик муаммосига ёндашишнинг икки хил йўлини белгилаб беради. Иккинчи йўналишни Д.Дюришин «Адабиётларни қиёсий ўрганиш назарияси» китобида ўзаро таъсирланишдаги «Ички алоқалар» деб белгилайди ва унда бевосита ва билвосита таъсирланиш ҳоллари мавжудлигини ажратиб кўрсатади. Бевосита таъсирланишда икки объект: таъсир қилувчи ва таъсирланувчи иштирок этадиган бўлса, билвосита таъсирда учинчи объектга эҳтиёж туғилади ва бу объект биринчи ва иккинчи объектларни боғловчилик вазифасини бажаради⁹.

Жадид адабиётида таъсирланишнинг ҳар икки жиҳатини кузатамиз. Биринчи ҳолат нисбатан фаол бўлиб, унда жадид шоирлари тўғридан-тўғри улуғ ижодкорлар асарларига мурожаат қиладилар. Масалан, Авлоний ғазалларининг Навоийга боғланиши, Қодирий асарларининг Бобур насри билан боғлиқ жиҳатлари каби. Иккинчи тур боғланишда Авлоний ҳикоятларида, бир жиҳатдан, Саъдий «Гулистон» асарининг таъсири яққол кузатилса ҳам бу анъана жадид насрига етиб келгунга қадар Навоий ёки Хожа ҳикоятларида қўлланилгани туфайли Саъдий-Авлоний муносабатида Навоий ёки Хожа асарлари билвосита «ўрта объект» вазифасини бажаради. Демак, «адабий таъсир назарияси»да ижодкорлараро муносабат бевосита амалга ошиши мумкин (буни Д.Дюришин «генетик алоқадорлик» деб атаган), даврлараро муносабатда эса бевосита таъсирдан ташқари, «таъсир этувчи» ва «таъсирланувчи» ўртасида учинчи объект орттирилиши ҳам мумкин экан.

Ҳар қандай тараққиёт у ёки бу даражада ўзигача бўлган адабиёт билан ворислик алоқалари асосида шаклланади. Бу жиҳатни бир тил ёки бирор ҳудуд ҳамда минтақа адабиёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, айрим улуғ даҳолар тажрибалари, уларнинг ижодий тамойиллари бирор миллат ёки минтақа ва адабий муҳит ҳудудидан тошиб чиқиб, бутун дунё маданиятига ўз таъсирини ўтказиши ҳам мумкин. Олмон олими Макс Верли ёзишича, «умумжаҳон маданий жараёнига ўз анъаналари, ифода тарзи, тараққиёт йўллари билан кириб келган Европа адабиёти нафақат анъана ва ворисликнинг боғловчи воситаси сифатида қатнашган, балки бадиий адабиётдаги поэтик моҳият (субстанция)лар кристаллашувига ҳам таъсир кўрсатган»¹⁰. Айни ҳолатни Марказий Осиё адабиётига, яъни ислом маданияти таъсирида ривожланган адабиётларга нисбатан ҳам кузатиш мумкин. «Навоий ва адабий таъсир масалалари» китобига жамланган мақолаларда ҳар икки йўналиш ўз аксини топган бўлса-да, бу жиҳатдан

⁸ Баллер Э.А., Исмоилов Ф.Ю. Ворислик нима? – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 21.

⁹ Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М., 1975. – С. 118–119.

¹⁰ Верли М. Единство литературной традиции / Общее литературоведение. – М.: Иностранная литература, 1957. – С. 218.

олимлар кўпроқ биринчи объект доирасида форс ва туркий адабиётларнинг ўзаро муносабати билан иш кўрганлар¹¹.

Жадид адабиётининг буюк намояндalarидан Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Вадуд Маҳмуд ўзларининг бадиий юксакликка эришув сабабларини мумтоз адабиётдан ўрганганликлари боисидан деб билдилар. Ўзбек жадид адабиёти ҳам янгиланган шароитда тараққий этишга юз тутган экан, у миллий адабиётимизнинг кўрки бўлган, боқий қадриятлар сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган, жаҳон адабий-бадиий хазинасини бойитган Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий каби буюк шоир ва мутафаккирлар ижодидан маънавий озиқланган, улар ижодида барқарор бўлган маърифий ғоялар, анъанавий тимсоллар, бадиий воситалардан унумли фойдаланган. Анъанага айланган ғоялар ва адабий тажрибалар моҳиятини дунёқараш жиҳатидан ўзаро яқин бўлган адиблар ижоди мисолидагина олиб қарайдиган бўлсак, масала моҳиятини чеклаб қўйган бўламиз. «Тарихий анъаналарга ворислик, – деб ёзади А.Бушмин, – жамият бадиий тафаккури тараққиётида қонуний ҳол саналади. Бу қонуниятларнинг илмий тўғри ёритилиши бадиий ижод жараёнига онгли равишда таъсир этишнинг зарур шартидир»¹². Шу каби «Адабиёт энциклопедияси»да «Оламни бадиий идрок этишда авлодлардан ўтиб келган тажрибаларга издошлик, собитлик билан бир қаторда уни янгилаш, ўзига хослик асосида такомиллаштирилгандагина ҳар қандай бадиий топилма анъанага айланиши мумкин»лиги кўрсатилган¹³.

Бобнинг 2-фасли «Адабий анъаналарга ворислик масаласига муносабат» деб номланган. Ўзбек мумтоз адабиётига ворислик масалалари хусусида сўз юритилганда, ўтмиш адабиётидаги маърифий ғоялар, мумтоз жанрларнинг янги адабиётдаги яшаш «тарзи», аруз вазни ва вазн ўзгаришлари ҳамда қофия ва бадиий санъатларга доир масалалар юзасидан Фитрат, Чўлпон ва Вадуд Маҳмуд қарашлари биз учун асосли материал бўла олади.

Фитрат «Шеър ва шоирлик» (1918) мақоласида мумтоз шеър асосини фақат вазн ва қофияда кўрувчиларга қарата эътироз қилиб, «шеър юрак сезгиларини кўрсатмақдир. Вазн ва қофия эса сўзнинг беазаги (зийнати)дир»¹⁴ деб ёзганида ўзига замондош шоирлар асарларидаги вазн ва қофия муносабатларини ҳам назарда тутган. «Адабиёт қоидалари»да эса «эски ёзғучиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб, «аммо рўёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким...» деб ҳикоя қаҳрамонларининг туғилиш кунидан бошлаб вафотига қадар бўлиб ўтган воқеаларни бир йўсинда тизишлик»ни оқламайди, бу ўқувчиларни «бездиради ва уларнинг миясига оғирлик қилади» деб ҳисоблайди. Янгилик сари қадам қўйган Чўлпоннинг «Қор қўйнида лола» ҳикоясида муаллиф тўғридан-тўғри воқеалар ичига кириб бориб, ҳикоянависнинг ўзгача йўл тутиши ўринли

¹¹ Зоҳидов В. Навоий дунёқарашининг асосий манбалари / Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 3-27.

¹² Бушмин А. Преемственность литературного развития. – М.: Наука, 1975. – С. 5.

¹³ Адабиёт энциклопедияси. Тузувчи: Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – Б. 218.

¹⁴ Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 5-8.

эканини тасдиқлайди¹⁵. «Аруз ҳақида» рисоласида Фитрат янги шеърият ҳар «иккала системадан фойдаланишга тиришса бўлур» деган хулосага келади¹⁶.

Чўлпоннинг «Улуғ ҳинди» мақоласида ёзилишича, «Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолган шарқли ёш чинакам чучмал бир вазият-дадир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, ғарбники тагин – яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин? Бири биридан ширин ахир!»¹⁷ дея мумтоз манбаларга мурожаат қилишдаги «йўлсизлик» ҳолатини кўрсатади. Чўлпон айрим шоирлардаги «бир хил»ликдан қониқмайди, буни «ортиқча шарқлилик» деб ҳисоблайди. Таъкидлаш жоизки, Чўлпон бу ўринда кўпроқ вазн хусусиятларини назарда тутган. Қолаверса, мумтоз асарлардаги анъанавий зачин ва бошланмаларнинг ҳам бир тусда экани шоирни безовта қилади ва Шарқу Ғарб ўртасида «олтун кўпрук» яратган Тагор ижодига юзланади. Бундан ташқари, татар, озарбойжон, турк насридаги айрим асарларни ҳам санаб ўтаркан, «улар шу қадар озки...» деган хулосага келади. Чўлпон бу ўринда мумтоз шеъриятни бутунлай рад қилмайди, балки янги ғарб руҳидаги реалистик насрга ташна эканлигини уқтиради. Шунингдек, анъананинг бутунлай йўқ бўлиш тарафдори ҳам эмас, балки анъанавийлик билан замонавийлик ўртасига «олтун кўпрук» қурган Тагорни эътироф этмоқчи бўлади. Чўлпон қарашларининг давоми бўлган «Тагўр ва тагўршунослик» мақоласида эса ҳар қандай янги адабиёт бошида турган улуғ адиблар ижодида анъанавийлик ва янгилик синтезлашуви мумкинлигини қайд этган¹⁸. Чўлпоннинг мумтоз адабиётга бундай муносабатини «500 йил», «Шоҳнома»нинг туркча таржимаси», «Увайсий» каби мақолаларида ҳам кузатиш мумкин. Чўлпон анъананинг кўр-кўрона тақлидчиси бўлиб эмас, балки уларни янги заминга пайванд қила оладиган асарлар ёзиш кераклиги ва бунинг амалдаги ифодасини ўз асарларида кўрсатади.

Вадуд Маҳмуд «Фузулий Бағдодий» мақоласида «Фузулийнинг Туркистонга таъсири»ни алоҳида бўлим доирасида Ажзийнинг «Миръоти ибрат», Чўлпоннинг «Илк аввал гўзуму ишқ ила очдим» деб бошланувчи шеъри мисолида асослаб берди¹⁹. Ўзбек олимнинг Фузулий даҳосига бундай муносабати озарбойжон олимларининг ишларида ҳам эътироф этилган²⁰.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жадид шеъриятида мумтоз адабий жанрларнинг давомийлиги**» деб номланиб, унинг «Жадид шеъриятида ғазал табиати»га бағишланган биринчи фаслида мумтоз ғазал жанрининг жадид шеъриятидаги «иккинчи умри» хусусида сўз юритилади.

XX аср бошларида бутун Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалган жадид адабиёти маърифатпарварлик ва миллиятпарварлик руҳида ривож топиши учун мумтоз адабиётда кенг қўлланилган шеърий жанрларни истифода этиш билан бирга мумтоз шеърий шакллар имкониятини кенгайтиришга, янги

¹⁵ Кўрсатилган нашр. – Б. 16.

¹⁶ Фитрат. Танланган асарлар. 5-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 229–231.

¹⁷ Чўлпон. Улуғ ҳиндий // Маориф ва ўқитғучи. – Тошкент, 1925. –7-8-сон. Қайта нашри: Чўлпон. Асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 31-32.

¹⁸ Кўрсатилган тўплам. – Б. 33-39.

¹⁹ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 47-48.

²⁰ Алиева-Қанғарли Г. Фузулийшунослик тарихи ва назарияси. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2012. – Б. 263.

замон адабиёт олдига қўйган мавзу ва моҳиятни акс эттиришда адабий жанрларни ичдан янгилашга ҳаракат қилди.

Исҳоқхон Ибрат қайси адабий тур ва жанрда ижод қилмасин, мумтоз адабий анъаналарга суянган ҳолда ўз ғазалларида муҳаббат, инсонийлик, эзгулик, ҳаётийлик, халқчиллик каби мавзуларни давом эттирди. Ибрат Огаҳийнинг «Баҳри таассуф ичра ботар доимо кўнгул» деган ҳасратини янги шароитда давом эттириб, ҳаётга ва жамият ҳодисаларига ҳақиқат кўзи билан ёндашди. Бунда ғазалнинг анъанавий 11–13 байтли ҳажми торлик қилганда унга ижтимоий мотивларни сингдирган ҳолда 21 байтга етказди. «Бўлубдур» радифли ғазалида лирик «мен» байтдан-байтга мантиқан ўсиб борувчи исёнкор тимсол бўлиб гавдаланди. Шоир ҳаётдаги ноқис ҳолларни шунчаки кузатиб ва баён этибгина қолмади, балки бундай ижтимоий муҳитнинг яралиш сабабларини излади. Шоир лирикасида шахсий юрак тўлқинини ифодаловчи ғазал давр илғор кишининг ички драмасига айланди.

Ҳамза адабиёт тарихига «янги замон жарчиси» (Л.Қаюмов) бўлиб эмас, балки мумтоз шеърятнинг адабий вориси ва ижодий давомчиси сифатида кириб келди. «Девони Ниҳоний»нинг асосини ташкил қилган ғазалларда Муқимий ва Фурқат ижодига яқинлик аниқ сезилади. Шоир мумтоз жанрда кўпроқ ғазал-назиралар битган бўлса-да, ишқ аҳли руҳиятидаги зиддиятларни ижтимоий ҳаёт ҳодисасига нисбат қилади, ижтимоий ғоя ва ишқий туйғуларни бир шеър доирасига сингдиради. Мумтоз анъанадан баҳрамандлик шоир ижодида Ибрат асарларидан фарқли равишда поэтик маънони ифода қилишга қаратилган таниш тимсолларга қайта-қайта мурожаат қилиб, унинг янги қирраларини очишда кўринади. Ҳамза умрининг охирларида битган:

Надур бу завқ, то хизмат эларо ҳам телба унвоним,

Замона ўзлигимдан, дўстлардан баҳраманд этмас

байтида ҳам, бир жиҳатдан, «Навоий нафаси сезилиб тургани»²¹ кўзга ташланса, иккинчи жиҳатдан, поэтик тимсолни тадрижан ривожлантириб, ўзлигини замона ҳолати билан боғлаб янги поэтик манзара яратганининг гувоҳи бўламиз.

Абдулла Авлоний ижодида ғазал ўрни ҳақида сўз юритиларкан, проф. Б.Қосимовнинг «классика билан ошнолик унинг шоир ва граждон сифатида шаклланишига бениҳоя катта таъсир кўрсатади»²² сўзларига таянамиз. Шоирнинг Ҳижрон таҳаллуси билан ёзилган «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами «Ифодаи махсуса» номли дебоча билан очилган. Ҳар бир жуз анъанавий ҳамду наът, ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржиъбанд каби жанрларда ёзилган шеърлардан иборат тарзда таркибланган²³.

²¹ Қаюмов Л. Биз билмаган Ҳамза / Сайланма. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б. 51.

²² Қосимов Б. Оқ тонглари орзулаган шоир / Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 6.

²³ Адабиёт ёхуд миллий шеърлар / Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 81-194.

Ғазалда ижтимоий руҳни бериш Навоий шеъриятдан бошланган. Бобур, Оғаҳий шеърларида давом эттирилган бу анъана ўзбек жаҳид шеъриятида бадий асар моҳиятини ташкил этувчи жиҳатга айланди. Ғазалдай интим муносабатни ифодаловчи жанр табиатига ҳам ижтимоий руҳ сингиб, даврнинг муҳим белгиси – мустамлака сиёсатига қарши туриш, миллатнинг эрк ва озодлиги учун кураш етакчи ғояга айланган эди. Авлонийнинг «Дўндурди» радифли ғазали Ватан туфроғи деб мотамсаро кўз ёшларини қонга тўлдирган лирик қаҳрамон эътиқодини беришга қаратилган.

Чўлпон мумтоз шеъриятдан баҳраманд бўлиши натижасида ўз истеъдодини янада юксак поғонага кўтарди. Туркий шеърият тарихида Чўлпон лирикасининг юқори мавқеини таъмин этган ҳодиса фикрни юксак бадийлик шаклида табиий равишда ифода қила олганлигидадир. Чўлпон гарчи янги давр шоири сифатида Умархон, Фазлий, Муқимий сингари мумтоз шоирларга «бир хил, бир хил, бир хил...» деб қараган бўлса ҳам²⁴, ўз ижоди орқали мумтоз шеъриятдаги турли хил шакл ва воситаларни истифода қилиб, ўз шеърларида «ҳар хил»ликка эришди. Шоир ижодидаги поэтик ранг-баранглик янги мазмунни ифода қилган мумтоз шеърларида кўпроқ акс этган. XX аср жаҳид шеъриятида янгича тимсоллар ва вазн ихтироси бўлган шоир мумтоз анъаналарга содиқлик масаласида ҳам айрича йўл тутди. У мумтоз шеъриятнинг шунчаки тақлидчиси бўлиб қолмай, балки ғазал жанрини янги тимсоллар тизими билан бойитган, кўҳна вазн имкониятларига янги мазмун бағишлаган шоир сифатида шеърият тарихига кирди.

Бобнинг иккинчи фасли «Мумтоз лирика кичик жанрларининг қўлланилиши» деб номланган. XX аср бошларида мамлакатда ҳар соҳада янгиланиш юз бераётган паллада минг йиллар давомида синовдан ўтган шеърий шакллардан фарқли ўлароқ янги жанрлар вужудга келди. Бироқ бу – янги шеърият мумтоз адабиёт анъаналаридан бутунлай юз ўғирди дегани эмас. Аксинча, мумтоз шеърият замонга мос ҳолда янгиланиш йўлига кирди. Шеъриятнинг бошқа жанрларида кузатилгани каби фикр, оҳанг ва шакл янгиллигига интилиш кичик жанрлар ҳисобланган рубоий, китъа, фард кабилар XX аср ўзбек шеърияти ва поэтикасининг шаклланиш босқичларида таянч омиллардан бўлди.

Форс адабиётида Умар Хайём, ўзбек шеъриятида Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий ижодида тўла шаклланган рубоий жанрига Авлоний, Ажзий, Чўлпон мурожаат қилиб, юксак фикр ва туйғуни ихчам, теран шаклларда маҳорат билан ифода этишда ўзига хос йўл тутишга уриндилар. Уларнинг тўртликлари шакл, мазмун, тимсол ва тасвир йўллари билан устозларнинг анъаналарига қатъий таянган шеърият бўлди. Бобур рубоийлари ижтимоий воқелик муносабатларини акс эттириши нуқтаи назаридан салмоқдор бўлгани маълум. Улуғ шоирнинг «Кўнгил тилаган муродға етса киши» деб бошланувчи рубоийси руҳида ёзилган

²⁴ Чўлпон. Адабиёт надур? – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 57.

*Гуллар хазон ўлмиш, тикони қолмиш,
Боглар барбод ўлмиш, хазони қолмиш,
Золим фалак бу элларга қаҳр этмиш,
Хонавайрон, синган қозони қолмиш²⁵*

шеърида келтирилган қофиялар зиммасига шоир илгари сурган ижтимоий муаммоларни очиб бериш, тимсоллар моҳиятини кучайтириб ифодалаш, мантикий асослаш вазифаси юклатилган.

Жадид шоирларининг аксарияти зуллисонайн бўлганлар. Сиддикий Ажзийнинг форс тилида битилган рубойиси

*Гуфтам ба хирадки соҳиби урфони,
Бинмой роҳи нажотам аз нодони.
Гуфто: «Мактаб, мактаб, мактаб, мактаб,
Бояд хони, хони, хони, хони!».*

Таржимаси:

*Урфон соҳиби ақлга мурожаат қилдим:
Менга нодонликдан қутулиш йўлини кўрсат.
Деди: «Мактаб, мактаб, мактаб, мактаб,
(Яна) Ўқи, ўқи, ўқи, ўқи!»²⁶*

(Б.Қосимов таржимаси).

ҳазаж баҳрининг икки шажараси ахраб ва ахрам тармоғи вазнларида ёзилган. Жанр талаби нуқтаи назаридан содда ва мазмунга бой бўлиб, турмуш тажрибаларини ихчам равишда ифода этади. Мазкур рубойи маънавиятни қалб кўзи билан кўра олган, маърифатни улуғ билган мутафаккир шоир сиймосини кўз олдимизда жонлантиради.

Чўлпон ўз тўртликларида рубойи вазнини сақламаган бўлса-да, замонасининг муҳим долзарб масалаларини акс эттира олди. Шоир маҳоратини яхши илғаган турк олими Ҳусайн Ўзбой «Парча», «Қилич ва қон», «Янглишасиз», «Ўлимдан кучли», «Ўзимникига» ва бошқалар қофия, вазн ва банд эътибори билан мумтоз анъаналарни давом эттира бориб, янги фикр ифода қилганини қайд этган эди²⁷.

Боту (Маҳмуд Ҳодиев) ижодида мумтоз анъанавийлик ўзига хос кўламда акс этган бўлиб, унинг тўртликларида инсон ҳаёти мураккаблиги тасвирланади, фикрнинг умумийликдан хусусийликка, мавҳумликдан конкретликка ўсиб боргани кузатилади. «Гўзалдир юксалиш, юксалиб кетиш» деб бошланувчи тўртликда мумтоз рубойи учун хос бўлган тўрт восита (тезис, антитезис, моддаи рубоия, синтез) мавжуд бўлиб, шоир маънони кучайтириш ва мазмунни равшанлаштириш, фикр баёнида таъсирчанликни ошириш мақсадида қўлланилган феълнинг функционал шакллари (юксалиш, юксалмоқ), моддаи рубоия, таносиб усули (парчалаб, эзиб)дан фойдаланган. Тўртликда динамик равишда ўсиб бораётган фикрни эҳтиросли баён қилиш мақсадида шоир рубойининг синтези ҳисобланган

²⁵ Авлоний А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 248.

²⁶ Ибрат. Сиддикий Ажзий. Сўфизода. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 167.

²⁷ Цзбай Н. Zolpan'ın юiirleri / Metin – Aktarma – Эnceleme. Ankara, 1994. – S. 28.

тўртинчи мисрада синонимик қатор (эски, бузук) тузади. Бу ҳолат аввалги уч мисра мазмунининг қонуний хулосаси вазифасини ўташига ёрдам беради.

Р.Орзибеков XVI–XIX асрларда қитъа жанри тараққиётини кузатиб, муайян мумтоз жанрнинг парча, бўлак маъносини ифода этишини қайд этади²⁸. Мумтоз шеърятдаги бу ҳол Фитрат истилоҳотида ҳам кўзга ташланади. Қитъа сўзининг луғавий маъносидан (парча) жанр атамаси сифатида фойдаланган (бу ҳолни Чўлпон ва Боту шеърларида ҳам кузатамиз) шоир «Ур-ур!.. Сенинг тирноқларинг нозли, нозли урдикча» деб бошланувчи шеърда «урдикча» (нохун, тирноқча) тимсолидан фойдаланиб, рамзий ифодалар («битиб қолган яралар», «қора булут») орқали даврнинг ижтимоий ҳодисаларига муносабат билдирилади²⁹.

Фард мумтоз лириканинг «якка», «ягона» маъноларини билдирувчи энг кичик жанридир. Фард мазмун жиҳатидан фалсафий характерда бўлса-да, унда шоирларнинг ахлоқий-таълимий фикрлари кўпроқ берилади. Авлоний мустақил фардларида икки хил қофияланиш усули (*аа*, *аб*)ни сақлаган бўлса, мумтоз насрдаги ҳикоятлар сўнгида бериладиган қиссадан ҳисса чиқариш йўлидан фойдаланиб, «Туркий Гулистон» асарини мазмунан теран фардлар билан бойитган.

Янги давр ижодкорлари учун мумтоз шеърятдаги кичик жанр нафақат шеърый шаклдан фойдаланиш имкониятини, балки ўз даврининг ижтимоий воқелигини кенг ва рўй-рост очиб беришда қулай бадий восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бобнинг «Жадид шеърятда мусаммат ва унинг шакллари» сарлавҳали учинчи фаслида мусамматнинг мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман шаклларида ёзилган шеърлар таҳлилга тортилган.

Мусаммат Шарқ мумтоз шеърятда асрлар давомида сайқал топган жанрлардан бўлиб, мисралар сонига кўра таркиб топган бандли шеър ҳисобланади. Фитрат таъбири билан айтганда, «узун бир тизманинг парчаларга ажратилиши» бўлиб, унинг саккиз хил тури мавжуд³⁰.

Алишер Навоий мусамматларида «ҳар қайси услубда» «турк тили била қалам суруб», «маъно акбориға зийнат ва оройиш кўргузушга» («Муҳокамату-л-луғатайн») муяссар бўлган. Навоий анъанаси ўзбек мумтоз адабиёти ижодкорлари орасида жуда тез тарқалди ва кенг тус олди. Ибрат, Чўлпон, Авлоний, Ажзий, Хондайлиқий ижодиётдан мусамматнинг турли шакллари мустаҳкам ўрин олган. Ҳамзанинг «Оқ гул» туркумида «Дардига дармон истамас» мусалласи бу жанр жадид адабиётига бегона эмаслигини англатади.

XVII асрга келиб мусамматнинг мураббаъ шаклидаги шеърлар салмоқдор ўрин тута бошлади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин мураббаъ анъана асоратидагина қолмасдан, давр шоирларининг мақсадларига кўра жанрга янгилик киргизилиб, мазмун доираси кенгайтирилди. Ҳамза ва Ибрат мураббаъларида ўзига яқин ўтмишдош

²⁸ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, 1976. – Б. 30.

²⁹ Фитрат А. Танланган асарлар. 1- жилд. –Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 41.

³⁰ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 52; Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърят жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 113.

бўлган шоирларга ҳамоҳанглик бор. Чўлпон дастлаб аруз, кейинроқ бармоқ вазнида ҳам мураббаъ шаклини сақлаган ҳолда бу жанрда ўнлаб гўзал шеърлар яратган.

Ибрат мухаммасларида давр янгиликларига муносабат кузатилади:

*Наманган аҳлига хўб ўлди, бир яхши замон келди,
Муродоти халойиқ узра бир жону жаҳон келди,
Дема жону жаҳон авқот учун бу халққа дон келди,
Дема дон, балки бунларга маишат узра нон келди,
Ажиб бир фоизи арзоқи инсоний вагон келди.*

Авлоний мухаммаслари, Ҳамза мусаддаслари жаҳид шеърятининг ранг-баранглашувига сабаб бўлди. Мумтоз мураббаъ ва мухаммаслар янги шеърятдаги ҳар банди тўрт, беш мисрадан иборат қилиб ёзилган замонавий шеърларда ўз «умри»ни давом эттирди.

Демак, жаҳид шоирлари ижодида мумтоз шеърятда қўлланилган ўн етти жанрдан ўн бирини кузатамиз. Шундай экан, бу ҳолнинг ўзиёқ жаҳид шоирлари ижодида мумтоз анъаналар иштирок этиш билан бирга улар жаҳид адабиёти вакиллари янги бармоқ тизимидаги жанрларда ижод қилишга муайян тайёргарлик вазифасини ўтаган. Мумтоз шеърят билан янги шеърят ўртасида робита бўлиб, бу икки шеърятни бир-бирига туташтириб турган. Биз мана шу кўприк воситасида жаҳид шеърятининг маънавий илдизларини аниқлаймиз, янги шеърятдаги такомил топган жанрларнинг шаклланишида мумтоз жанрлар ўзига хос тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилганини кузатамиз.

Диссертациянинг учинчи боби «**Мумтоз адабиётдаги тимсол ва поэтик воситаларнинг янгилалиши**» деб номланиб, унинг «Анъанавий тимсоллар ва бадий санъатлар талқини» деб аталган биринчи фаслида мумтоз поэтик тимсолларнинг жаҳид шеърятда қўлланилиши таҳлилга тортилган.

Поэтик тимсоллар маълум ижодкорлар томонидан ишланиб, қиёмига етказилса ҳам муайян адабий муҳит доирасида шаклланиб, мукамаллик касб этади ва маълум вақт мобайнида анъанага айлана боради. XX аср бошларида поэтик тимсолларнинг соф дунёвий, миллий, ижтимоий асосга қурила бошлагани сир эмас. Анъанавий поэтик тимсоллар: «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб», «дўст» янги талқинлар, биринчидан, шоир эътиқоди, истеъдоди табиати ва унинг янгиликка интилиш нияти билан боғлиқ ҳолда, иккинчидан эса, ижтимоий ҳаёт талаблари ва мавжуд зиддиятларни енгишга ҳаракат тарзида юзага чиқди.

Авлоний шеърларидаги ёр тимсоли – илм, маърифат, тараққиёт, халқ; ағёр – нодонлик, жаҳолат, билимсизлик тарзида намоён бўлади³¹. Фитрат қаҳрамонининг «Раҳбарим – фан, пайғамбарим – билимдир» деган сўзлари («Шайтоннинг Тангрига исёни») мумтоз адабиётда ишланган ўзи топинмай қўйган ва Яратганга топингувчиларни ҳам йўлдан урадиган Иблис эмас,

³¹ Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. в.б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 298–300.

балки фақат ўзигагина топиниб, ўзини Тангри деб билувчи шайтоний сифат (худбинлик) тимсолидир³². Бу жараён ижодида ёрқин акс этган шоирлардан бири Абдулҳамид Чўлпон ҳақида проф. Д.Қуронов: «Чўлпон шеърляти ҳам қуруқ жойда юзага келгани йўқ, йиллар билан ўлчанувчи мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналари унга асос бўлиб хизмат қилди... Чўлпон ижодиётидаги рамзлар, асарлари қатидаги ботиний мазмун мумтоз шеърлятимиздан туртки олган ҳолда тушунилиши лозим»³³ деб ёзган. Чўлпон ўзининг усмонли шевасида ёзган «Ишқ» шеъри (1922)да ишқ тимсолини янгича маънода қўллайди. Лирик қаҳрамон «Ишқ дея айрилдим диндан, имондан» дейдию, лекин бу ердаги ишқ на-да мажозий ишқ ва на-да илоҳий ишқни назарда тутди. Тутқун ўлкадаги тутқун миллат ошиқ тимсолида келса, «эрк» маъшуқа сифатида тараннум этилади.

Содда дил бунлардан на маъни англар.

Билмаз куч ўлдуғин изҳор ишқи, –

дея яқунланаётган шеър ошиқ ишқининг изҳори, маъшуқа – эрк, унга эришиш «куч ўлдуғу», қийин бўлишини соддадил ўқувчи сезмаслиги мумкин, бироқ эрка эришув жараёни ҳеч қайси миллат ва ҳеч қайси мамлакатда сокин кечган эмас. Чўлпон бутун эътиборни ана шу куч, яъни эрк учун курашга қаратган. Шоир ижодида «ошиқ» тимсоли орқали миллат, «маъшуқа» дея эрк, «рақиб»да мутелик, «дўст» сифатида кўнгил бирламчи қўйилиб, бу тимсолларнинг янги мазмунда талқин қилиниши, жамият, миллат тафакқурини ўзгартиришга чоғланган шоир дунёқараши билан боғлиқ.

Жадид шоирлари ижодидаги мумтоз тимсоллар ва шеърий санъатлар бармоқ вазнидаги шеърларда ҳам фаол қўлланилган, бу билан бадий тасвирий воситаларининг мумтоз шеърлятдаги умрини узайтиришга уриниш бўлганлиги кўринади.

Бобнинг иккинчи фасли «Аруз вазнининг қўлланиш хусусиятлари» деб номланади. Ўзбек арузининг ривожда XV–XVI асрда яшаб ижод этган шоирлар, хусусан, Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобурнинг хизмати бекиёс. Жадид шоирлари ижодида мумтоз анъаналар жанр ва тимсоллар билан бир қаторда аруз вазнининг азалий қонунлари, хилма-хил баҳрлари, уларнинг оҳанг хусусиятлари ҳам чуқур ўзлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Фитратнинг «Аруз ҳақида» рисоласи (1936)да бу кўҳна вазн атрофида турли мунозаралар бўлиб тургани билан аруз вазни ҳамон истеъмолда экани, нафақат мумтоз шеърлят билан янги адабиёт ўртасида кўприк вазифасини ўтовчи жадид шоирлари ижодида, балки шўро адабиётининг бошида турган Ғ.Ғуллом, Ҳамид Олимжон каби шоирлар ҳам аруз вазнига муваффақиятли тарзда ёндашганини кўрсатиб берган³⁴. Чунки аруз вазни жадид шеърлятида, бир томондан, мумтоз вазнларни имкон қадар

³² Каримов Н. Фитратнинг шайтонга исёни // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – 20 август.

³³ Қуронов Д. «Йўл эсдалиги»да тағмаъно қатламига доир // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1998. – 1-сон. – Б. 162.

³⁴ Fitrat A. Aruz haqida. A.Na'oiim tahriri astida. Ta'okent: OzSSR Fanlar komiteti nashriyoti, 1936. Qayta nashri: Fitrat A. Aruz haqida / Nashrga tayyorlovchi, s'uzboishi va izohlar muallifi X.Boltaboev. – Toshkent: O'qituvchi, 1997. – B. 80.

сақлашга урунган ижодкорлар шеърларида учраса, иккинчи жиҳатдан, мумтоз аруз қолипларига тўла тушмайдиган, уларда ҳижо ва рукн ўзгаришлари асосида шеърнинг бармоқ вазнига қараб тортилиш ҳоллари кузатилади.

Янги даврда арузда ёзилган шеърларда рамал ва ҳазаж бахридан кўпроқ фойдаланилганини кузатиш мумкин. Ибрат, Авлоний, Ҳамза ва Чўлпоннинг арузда ёзилган ғазаллари тузилиши, оҳанги, тимсоллар ифодаси билан мумтоз шеърини вазнларни тўлалигича сақлаган. Чўлпон ғазалларида арузнинг ҳазажи мусаммани солим («Қаландар ишқи»; v – – – / v – – – / v – – – / v – – –) ҳамда рамали мусаммани маҳзуф («Бизнинг ватан», «Галдир», «Уйқу»; – v – – / – v – – / – v – – / – v –) қолипи фаол қўлланилган. Одатда вазн талаби билан араб ва форс сўзлари кўп қўлланилар эди, Чўлпоннинг арузий шеърларида бу ҳолни учратмаймиз. «Сезги»да рамал вазни қолипи тўла сақланса-да, шоир фақат туркий сўзлар билан иш кўради, туйғуларининг жўшқинлиги, шеърнинг ички структурасидан келиб чиқиб, мураббаъ жанрини танлайди:

*...Қайда қолди қонли кинлар, қонли кинлар, сезмадим,
Сочларинг боғлаб олиб, боғлаб олибдир сезгини!..*
– v – – / – v – – / – v – – / – v –

Давр нафаси аниқ сезилган назм намуналарида арузнинг қатъий талабларининг янгиланиши натижасида бармоқ вазнига яқинлашиш ҳоллари содир бўлди. Ҳижоларнинг чўзиқ ва қисқалиги янги вазнга тўла мос келмасида, бироқ бу яқинлик байтдаги ҳижолар сони ўзаро тенг келиши (бармоқ вазнидаги каби) ҳисобига амалга ошди.

Н.Афоқова ўз тадқиқотида «жадид адабиёти мисолида аруз баҳрларининг қўлланиш доираси торайиб борган» деган фикри орқали асосий эътиборни мумтоз вазнларнинг қўлланиш хусусиятларига эмас, балки вазн ўзгаришлари туфайли бармоқ томон тараққий этиб борган шеърлар таҳлилига қаратган³⁵.

Бобнинг «Жадид шеърлятида мумтоз қофия тизими» фаслида жадид шеърларида қўлланилган қофиялар тизими ўрганилган. Шайх Аҳмад Тарозий қофияни «шеърнинг устуни» деб ҳисоблайди: «Ва зурафо байтни хаймаға нисбат қилибтурлар ва қофияни стунға, яъни (шеър) стун бирла барподур»³⁶. Мумтоз қофия назариясидаги ҳарф ва ҳаракатлар жиҳатидан ҳам Ибрат, Авлоний, Ҳамза, Чўлпон ва бошқа шоирларнинг шеърлари талаб даражасида, яъни нафақат қофиядош сўзлар, балки улардаги равий ва ридф ҳарфлари ҳам ўз ўрнида қўлланилган. Чўлпон шеърларида қофиянинг мураккаб тури алифи таъсис ҳам учрайди.

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиг бу хатарлик йўлда қотдим-ку*

матлаъли ғазалидаги йўқотдим-ку, қотдим-ку, отдим-ку, сотдим-ку, бот-дим-ку, қайтдим-ку сингари қофиядош сўзлардаги «т» равийси олдида кел-ган

³⁵ Афоқова Н. Жадид шеърляти поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 14–15.

³⁶ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға / Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – Б. 290.

«о» ҳарфининг «алифи таъсис», «у» чўзиқ унлиси – ноира, «к» – мазид, «м» – хуруж, «д» – васл, «т» – равий кабилар ноирали мутлақ қофияни вужудга келтирган, бу ҳолат шеърнинг таъсирчанлиги ошириш билан бирга лирик қаҳрамоннинг туйғулари ва армонларини ёрқин акс эттиришга ҳам хизмат қилган.

Мумтоз қофия илмида мувозана, яъни вазн жиҳатдан тенг ўлчовли сўзларнинг қофиядош қилиб олиниши ходисаси мавжуд. Ҳамза шеърида қофиялар ҳаракатга тақлидий сўзлар (шақур-шуқур, тапур-тупур, дапур-дупур, ғасур-ғусур, қасур-қусур...)дан иборат бўлса-да³⁷, бу мисра мазмунига уйғун равишда боғланиб келади:

*Келди пари от ўйнатиб, тор кўчадин тапур-тупур,
Қаҳр ила уст-устига қамчи солиб тасур-тусур.*

Байтдаги қофиядош сўзлар ҳаракат ифодасини тезлаштираётгандай, шеър ритмига мос тушиб, мувозана («шақур-шуқур» (v – / v –) ҳосил қилади.

Қофия шеърнинг асоси бўлиб, қофия учун танланган сўз ўз жилоси ва маъно қамрови билан шеърнинг бадиий жиҳатдан юксаклигини таъминлайди. Қофияда мисралар оҳангдошлиги туфайли ўқувчи диққати муҳим бир нуқтага жам қилинади, унинг тасавурида асардаги лирик тимсолнинг ҳаракати ё ҳолати, ички ҳис-туйғулари гавдаланади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Мумтоз анъаналар ва жаҳид насрининг янгилашиш тамойиллари**» деб номланган. Унинг биринчи фаслида «Мумтоз наср ва замонавий ҳикоячилик хусусиятларининг синтезлашуви» масаласи ўрганилди.

Мумтоз адабиётда адабий тур тушунчаси мавжуд бўлса ҳам у Ғарбий Европадаги каби эпос, лирика, драма тарзида эмас, балки ифода шаклига кўра назм ва наср йўналишида таснифланган. Насрий асарлар ҳам барча эпик жанрларни тўла равишда қамраб олмаган. Шунга қарамай, жаҳид адабиётида шаклланиш даврига кирган ҳикоя, қисса, роман каби эпик жанрларнинг илдизлари мумтоз жанрлар ҳисобланган қисса ва ҳикоятларга бориб уланади. Шу жиҳатдан Саъдий «Гулистон»и билан Авлонийнинг «Туркий гулистон ёки ахлоқ» асари, Хожанинг «Гулзор» ҳикоятлар мажмуаси билан Қодирийнинг ҳикоялари ўртасидаги жанрий ришталар мавжуд. Булар: мумтоз насрда қўлланилган ҳикоятларга янгича мазмун бериб сюжетнинг қайта ишланиши, ҳикоя структурасида ўзига хос бошланма, ҳикоят баёни ва қиссадан ҳисса тарзида шеър келтирилиши тарзида давом эттирилади. Лекин Авлоний ҳикоялари мазмунидан келиб чиқиб, «Риёзат», «Шижоат», «Қаноат» тарзида инсондаги ахлоқий сифатлар тарзида номланади. Адиб ўз асарини ўқувчининг ёши, диди ва савиясини назарда тутиб, ўқувчига сабоқ бериш нияти билан анъанани давом эттирганини илғаш мумкин.

³⁷ Ш.Аҳмедовнинг «Ҳамза лирикасининг хусусиятлари» диссертациясида мазкур ғазалда «радиф сифатида қўлланган жуфт сўзларнинг халқона» эканига эътибор қаратган ҳолда, унинг вазн ва қофия жиҳатларини таҳлилга тортилмаган. Қаранг: Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари (девон мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1992. – Б. 150–151.

XX аср кичик эпик турнинг гўзал намунасига айланган «Улоқда» (Абдулла Қодирий, 1913), «Жувонбоз» (1915)³⁸, «Ҳақиқат кимда?» (Ҳамза, 1916), «Ойдин кечаларда» (Чўлпон, 1922), «Қор кўйнида лола» (1923)³⁹, «Қиёмат» (Фитрат, 1923) ҳикояларида таъсирнинг бошқа жиҳатлари синтезлашганини кўрамиз. Қодирийнинг «Улоқда» ҳикоясининг асосий бошланғич ғояси маънавий кадриятларга бориб тақалади. Ҳикояга мумтоз адабиётдаги сарчашмалар таянч ва ғоявий манба вазифасини ўтаган. Ҳикоянинг умумий манзарасини улоқ воқеаси ташкил қилса, шу ўйинни кўриш ва иштирок этиш истагида юрган Турғун воситасида муайян ғояни ифода қилувчи мазмунни топа олгани, аниқ услубда тасвирлай олгани билан характерланади. Абдулла Қодирий янги ҳикоячи-қаҳрамон типининг вужудга келишида эпик тасвирнинг мумтоз насрга хос белгиларини сақлагани учун асар персонажлари ёрқин тимсол даражасига кўтарилди.

Маърифатли бўлиш Ҳамзанинг «Янги саодат», Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат» (1914), «Доктор Муҳаммадиёр» (1914) каби ҳикоялари учун асосий мавзу қилиб белгиланган. Бу ҳикояларда тасвир жиҳати, тарзи баён, воқеалар кетма-кетлиги жиҳатидан мумтоз насрга содиқ ҳолда ривожлантирилмаган бўлса ҳам, азалий мавзуга муносабат, уни янгича турмуш шароити билан боғлаб талқин қилиш, ҳикоянинг якуни орқали маърифатнинг жаҳолат устидан ғалабасини таъмин этиш Чўлпон ҳикояларининг асосий поэтик жиҳатларини белгилайди ва реалистик тасвир, дидактик хулоса билан синтезлашади.

Чўлпон ҳикоялари ровий-ҳикоячи қаҳрамон тилидан баён қилинади. Мумтоз ҳикоятлардаги ривоявийликни унинг характерли белгиларидан бири деб билсак, Чўлпон ҳикояларида ҳам эпик тасвирдаги ифода йўсини ўзгариб, муаллиф ҳикоя қилиш билан бирга воқеаларнинг синчков кузатувчиси ва унга муносабатини яширмаган ровий сифатида бўй кўрсата бошлаганини сезамиз. Натижада мумтоз ровийликдан асос ола бошлаган ҳикоя воқеалар ривожи давомида янги сифат касб этади. Айни шу ҳолат жаҳид носирлари ижодига хос бўлиб, улар пассив ровий ёки кузатувчигина эмас, балки асар таркибида баҳоловчи-шарҳловчи вазифасини ўташи билан характерланади.

Бобнинг иккинчи фасли «Қисса ва саёҳатнома типидagi асарларда мумтоз анъана ва ворислик» деб номланган. Мумтоз адабиётнинг назарий асоси тарихий поэтика тамойилларига мос келади, унинг эстетик бошланмасини ҳосил қилувчи унсурлар: сюжет ва унинг элементлари, композицион ўзига хослик, муаллиф тимсоли тасвирида баён характери, баёнчи-қаҳрамон табиати сингари жиҳатлар таҳлилга тортилади⁴⁰.

XX аср адабиётида Сидқий Хондайлиқийнинг «Тазкираи Имоми Аъзам», «Мезони шариат», «Зарбулмасали Сидқий» каби қиссалари анъанавий наср қоидаларига кўра ёзилган. «Тазкираи Имом Аъзам» асари мазмун ва айрим поэтик жиҳатлари билан «Қисаси Рабғузий»га боғланади.

³⁸ Қодирий А. Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 29.

³⁹ Чўлпон. Асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 291–302.

⁴⁰ Теория литературы в двух томах. Под ред. Н.Д.Тамарченко. Т. 2. Историческая поэтика. – М.: АCADEMIA, 2004. – С. 86.

«Тазкираи Имом Аъзам» асарида қолипловчи ҳикоя яратиш билан унинг мазмунини чуқурлаштиришга ҳаракат қилган. Асар ичидаги ҳикоялар мустақил сюжет линиясига эга бўлса-да, қиссадаги воқеани тўлдиради, таъсирли қилади ва асарнинг ўқишлилигини таъминлайди.

Ўзбек жаҳид адабиёти тарихида саёҳатнома жанрининг шаклланиши ва унинг ривожини, саёҳатномаларда замон ва макон ўлчовлари катта аҳамиятга эга. Аҳмад Донишнинг «Наводиру-л-вақое» (1870-1885), Фурқатнинг «Саргузаштнома» асарлари ҳам мумтоз наср намунаси сифатида қаралар экан, уларнинг жаҳид сафарномаларига ҳам муносабатини ўрганиш лозим. Авлонийнинг «Афғон саёҳати», Бехбудийнинг «Саёҳат хотиралари», Чўлпоннинг «Йўл эсдалиги», «Вайроналар орасидан» асарлари асосини муаллиф-қаҳрамон сафари ташкил қилса-да, унинг турли хил ифодаси: сафар кундалиги (М.Бехбудий), аниқ географик маршрут асосида ёзилгани (А.Авлоний), «эрксевар қаҳрамон руҳининг кўнгил кўчалари бўйлаб машаққатли сафари» (Чўлпон) тарзида юзага чиқади.

М.М.Бахтин таъкидлаганидек, «Ижтимоий иерархия ва маконий масофада бир-бирларидан узокда турувчи инсонлар йўлда учрашишлари мумкин, йўлда ҳар хил контрастлар пайдо бўлиши, турли тақдирлар тўқнаш келиши ва бир-бирлари билан қўшилиб кетишлари мумкин»⁴¹. Авлонийнинг «Афғон саёҳати» ҳам маълум географик маршрут асосидаги йўл кундалиги шаклида битилган. Авлоний асарда Тошкентдан Афғонистонгача бўлган сафари давомида шаҳар ва қишлоқларнинг турмуш тарзи, маҳаллий халқларнинг аянчли аҳволи ҳақида маълумот беради. Ҳар бир жой ва унинг халқи ҳаётини кузатади, воқеларни ташкил қилган факт ва рақамларни аниқ кўрсатади, шу билан бирга китобхонга сабоқ бўларли хулосалар ҳам чиқаради.

Чўлпон сафарномалари «Йўл эсдалиги», «Вайроналар орасидан» деб номланиб, улар одатдаги саёҳатномалардан жиддий фарқланади. Асар марказидаги сайёҳ-муаллифнинг бевосита кўрган-кечирганлари эмас, балки муаллиф қалбидан кечган жараёнлар олдинги планга ўтади. Улар шоирона бадий тасвирий воситалар орқали ифодаланиши натижасида рамзийлик асарнинг моҳиятини ташкил қилади.

Бехбудий, Авлоний ва Чўлпон асарларида бир-бирига яқинликдан кўра ҳар бир адибнинг тасвирдаги воқеаларга муносабатида турлича ёндашувни кўрамиз. Бехбудий асарида воқеа тасвирида аниқлик, жой номининг кўрсатилиши, содир бўлган санани бериб боришлик каби хусусиятлар кўзга ташланса, Авлоний асарида урғу воқеанинг характерига берилади ҳамда муаллифга қаттиқ таъсир қилиб, унинг руҳини безовта қилган ҳодисотлар биринчи планга чиқади. Чўлпоннинг ҳар икки асарида воқеа баёни руҳий тасвир билан алмашади, ифодаланаётган ҳодиса ва предметга рамзий ишоралар юкланади.

Бобнинг учинчи фасли «Романчиликда мумтоз наср поэтик хусусиятларига издошлик ва янгиланиш тамойиллари» деб номланади. Жаҳид

⁴¹ Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 392.

ёзувчиларининг диққат марказидаги бош масала ўтмиш ўзбек насри анъаналарини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш ва улардан унумли фойдаланиш зарурияти бўлган. Бу даврда яратилган аксарият йирик эпик асарлар, хусусан, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», А.Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»ида реализм тамойиллари ўз тасдиғини топади, яъни ҳаётдаги воқеликларни ҳаққоний акс эттирувчи тасвир маданияти мавжуд бўлган асар сифатида бўй кўрсатади. Айниқса, роман қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно, Ўлмас ва Зебининг муҳаббати, рухий ва маънавий кечинмалари, уларнинг гўзал ифодалардаги тасвири бадиий тўқима кучи билан ҳаракатга келади. Халқ китоблари ёки ёзма адабиётнинг эпик намуналарида бадиий тўқима асосий омил вазифасини бажарса, жадиличлик даврининг тўнғич романлари саналган «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз»да бадиий тўқима кучи билан воқеалар реализмининг уйғунлашуви ўзига хос анъанани сақлаган ҳолда унинг замонавийлик асосини пайдо қилади.

Қодирий ижодиётининг ўзига хос абадиятини таъминлаган омил ўзигача бўлган шарқ мумтоз насрининг зарурий хусусиятларини ўрганиш ва ўзлаштириш, ёзма адабиёт анъаналарига таяниш бўлди⁴². Бу ҳолни асар сюжети, воқеаларнинг изчил, муфассал ва тугал баёни, тимсоллар галареясини яратиш, қаҳрамонлар портрети, хуллас, ёзувчи услубидан тортиб асар тилигача бўлган ҳолатларда яққол кўзга ташланади. А.Қодирий таянган мумтоз адабиёт намуналарида воқеалар асосан бир хил йўналишда, муайян сюжет чизиғида тараққий этган бўлса, адиб романларининг айрим ўринларида воқеалар оқимини тезлаштиришга, конфликтни кескинлаштиришга, бу билан мумтоз наср анъаналарини ичдан янгилашга ҳаракат қилади.

Қодирий романларининг ўзига хослигини таъминлаган омил сюжетнинг таранг тортилиши, воқеаларнинг изчил, муфассал ва тугал баёни, характер яратишда қаҳрамонлар портрети тасвирига алоҳида «юк ортиш», асар тилининг имкон қадар ўртача даражада тутиб туриш кабилар билан алмашинган ҳолда кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам бу романлар мумтоз анъана билан янги, реалистик наср ўртасида таянч восита вазифасини бажарди.

Мўминжон Тошқиннинг «Турмуш урунишлари» асарида қарийб ўттиз йиллик ходисалар (1895–1921) хронологик тартибда баён қилинган, бундай тартиб «Бобурнома»даги воқеалар баёнининг изчиллиги билан боғланса-да, муаллиф давр талабларидан келиб чиқиб реалистик тасвир билан иш кўради, «ровийлар андоқ ривоят қилурларким...» қабалидаги анъанавий зачинлардан янги, замонавий тасвир услубига юз буради. Айни шундай таъсир ва анъаналар ўзбек адабиётида мемуар роман-хотиранинг туғилишига йўл очган дастлабки омиллардан бири бўлди. «Бобурнома»даги каби «Турмуш урунишлари»ида ҳам муаллифнинг ўзи ҳақидаги маълумот ва тафсилотлар

⁴² Проф. Б.Каримов «Ўткан кунлар» романида Бобур руҳига яқинликни кузатади. Қаранг: Карим Б. Бобур ва Қодирий // Тафаккур. – Тошкент, 2017. – №2. – Б. 79.

асарнинг асосини ташкил қилади. М.Тошқин роман-хотира жанрининг композицион қурилиши талабларига риоя қилган ёзувчи. Муаллиф ўз асарини «рўмон» деб атаса-да, у кичик ҳикоялардан иборат қилиб таркибланганини қайд этади. Бу ҳолат ўзбек насридаги йирик асарларда ўз аксини топаётгани XX аср бошларида ўзбек насри роман жанрига яқинлашар экан, Европа романчилиги талабларини миллий наср анъаналарига боғлаб иш кўрганини англатади.

Мумтоз анъаналардан узоқлашиб, замонавий роман усулларига боғланишни Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи поэтикасида кузатамиз. Муаллиф асарнинг кучли ижтимоий мазмунга эга бўлишини назарда тутиб, романда мумтоз адабиётга хос таърифу ўхшатишларга ўрин берилиши баробарида янги замон техникаси талаб қилган сюжет сиқиклиги ва таранглиги, характерларни ифодалашда аниқлаштирувчи деталларга кўпроқ юк ортилиши каби жиҳатларни ўз романида синтезлаштирган.

ХУЛОСА

Тадқиқот давомида амалга оширилган талқин ва таҳлиллардан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳар қандай адабий-бадиий такомил у ёки бу даражада ўзигача бўлган адабиёт билан ворислик алоқалари асосида шаклланади. Бу жиҳатдан анъана ва янгилик, маданий меросга ворислик ва адабий таъсир масалалари «ички алоқалар» занжирини ташкил қилиб, адабиётшуносликда бевосита ва билвосита таъсирланиш ҳоллари сифатида қаралади. Бевосита таъсирланишда икки объект: таъсир қилувчи ва таъсирланувчи иштирок этса, билвосита таъсирда учинчи объектга эҳтиёж туғилади ва бу биринчи ва иккинчи объектларни боғловчи восита вазифасини бажаради.

2. Ўзбек жаҳид адабиёти янгиланган шароитда миллий адабиётнинг кўрки бўлган, боқий қадриятлар сифатида жаҳон адабий-бадиий хазинасини бойитган Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий каби буюк шоирлар ижодидан озиқланган, улар ижодида барқарор бўлган ғоялар, тимсоллар, поэтик усул ва воситаларни ўз асарларида муваффақиятли қўллаб, ўтмиш ва замонавий шеърият ўртасида муҳим таянч вазифасини бажарган. Жаҳид шеърияти мумтоз адабиётдан олган адабий сабоқ ва тажрибалар уларни ўзига хос тарзда янгилаш ва такомиллаштириш йўли орқали бадиий янгиликка айланиши мумкинлигини исботлаб берди.

3. Янги аср бўсағасида Шарқ мумтоз адабиёти тарихига мурожаат қилиш, уларни таҳлил ва тадқиқ қилиш зарурати юзага келди, воқеликка даврий мезонлар нуқтаи назаридан ёндашилди. XX аср бошларида яшаб ижод этган Ибрат, А.Авлоний, Ҳамза, А.Чўлпон каби жаҳид шоирлари шеъриятни маърифатпарварлик ва миллиятпарварлик руҳида ривож топиши учун мумтоз шеъриятда кенг қўлланилган бадиий шаклларни истифода этиш билан бирга мумтоз жанрлар имкониятини кенгайтиришга, анъанавий ифодаларни ичдан янгилашга уруниб, жанрлар трансформацияси орқали янги

замон адабиёт олдига қўйган мазмунни акс эттиришни ўзларининг адиблик бурчи деб билдилар.

4. Ўзбек мумтоз шеърлятидаги фаол жанрлардан бири бўлиб келган ғазал XX аср бошларида янги шеърлятга ўтиш даврида ҳам етакчи мавқеъ эгаллади. Айтиш мумкинки, ғазал шоирлар шуурини янги замон руҳини қабул қилишга тайёрлади, шоирлар истеъдодини ўзига хос тарзда имтиҳон қилиб, уларни ғазалда даврнинг ижтимоий мотивларини акс эттириш сари йўналтирди. Бунинг натижасида ғазал жанрининг XX аср шеърлятида собит қолиши учун адабий замин ҳозирланди.

5. Мумтоз шеърлятнинг нисбатан кичик жанрлари ҳисобланган рубоий, қитъа, фард кабилар XX аср ўзбек шеърляти поэтикасининг шаклланиш босқичларида таянч восита бўлиб хизмат қилди. Авлоний анъанавий рубоийнинг вазн хусусиятларини сақлашга интиланган бўлса, Сиддиқий Ажзий зуллисонайнлик анъаналарини давом эттириб, форсий рубоийлар битди. Мумтоз шеърлятда ўзига хос ўринга эга бўлган қитъа жанрининг жаид шеърлятида ўринлашишига сабаб унинг жанрий талаблари жаид шоирлари томонидан ўзлаштирилишидир. Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Боту каби шоирлар қитъа жанрини мазмунан бойитгани, унинг истилоҳий кўламини кенгайтирганлиги асосли мисоллар билан далилланди.

6. Мумтоз шеърлятдаги мусаммат шакллари: мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, асосан, ишқий ва маърифий мавзуларда яратилган бўлса, жаид шоирлари бундай шеър шаклларида ижтимоий мазмунни ифодалаш учун фойдаландилар. Бу билан янги давр шеърлятини айна шу жанрлар доирасида бойитишга уриндилар. XX аср бошлари шеърлятида мумтоз адабиётда қўлланилган асосий жанрлар истифода этилгани кузатилар экан, бу ҳолнинг ўзиёқ жаид шоирлари ижодида мумтоз анъаналар иштирок этиши билан бирга, улар жаид адабиёти вакилларини янги бармоқ тизимидаги жанрларда шеър ёзишга тайёргарлик вазифасини ўтаганини ҳам қайд этиш лозим.

7. Жаид шеърлятидаги янгича талқинлар шоир эътиқоди, истеъдоди табиати ва унинг янгиликка интилиш нияти билан боғлиқ ҳолда ижтимоий ҳаёт талаблари ва мавжуд зиддиятларни енгишга ҳаракат мумтоз шеърлятдаги анъанавий поэтик тимсоллар ошиқ, маъшуқа, рақиб, дўст, гул, булбул, ёр, ағёр, чарх тарзида юзага чиқди. Анъанавий ошиқ тимсоли кўпроқ «лирик мен» воситасида берилган бўлса-да, Чўлпон шеърляридаги маъшуқа тимсоли талқинида уни ватанга менгзаш, ёр муҳаббати орқали диёрга бўлган муносабати ифодаланади. Авлоний шеърлярида ёр тимсоли – илм, маърифат, тараққиёт, халқ тушунчаларини; ағёр – нодонлик, жаҳолат, зулм, истибдод аҳли маъноларини ифодалашга йўналтирилди. Натижада Туркистон дарди унинг қиёфаси сифатида ўзга бир тасвирда, мумтоз тимсоллар билан тўйинган ҳолда намоён бўлди: гул – бу бағрига ботган тиконлар захмидан озор топган Туркистон; булбул – Туркистон келажаги учун курашаётган миллий қахрамон. Поэтик тимсолнинг бу қадар ўзгарувчан тарзда талқин қилиниши шоир яшаб турган ижтимоий шароит ва асар яратилган муҳит билан боғлиқдир.

8. Жаид шоирлари томонидан аруз вазнининг азалий қонунлари, хилма-хил бахрлари, уларнинг оҳанг хусусиятлари чуқур ўзлаштирилди. Мумтоз арузнинг машхур вазнлари фаол истеъмолда бўлиши билан бирга давр нафаси аниқ сезилган назм намуналарида арузнинг қатъий талабларидан чекиниш ҳоллари ҳам юз берди. Мумтоз вазн талабларининг ўзгариши адабий жараёнда аруздан бармоқ вазни томон бўлган янгиланиш сифатида содир бўлди. Бу ҳолнинг нафақат жаид шеъриятида, балки шўро адабиётининг бошида турган Ғ.Ғулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир каби шоирлар ижодида учраши кўхна аруз умрининг давомийлиги ва янгиланиш имкониятлари яратганлигини кўрсатади.

9. Мумтоз шеъриятдаги каби XX аср шеъриятида тимсоллар табиатини очишда, маъно ва фикрларни таъкидлашда, шеър мазмунини аниқ ифодалашда катта аҳамият касб этган қофия аруз вазнида ҳам, бармоқда ёзилган шеърларда ҳам муайян бир поэтик вазифани бажарди. Қофия учун танланган сўз ўз жилоси ва маъно теранлиги билан шеърнинг бадиий бутунлигини таъминлади. Жаид шоирлари ижодида қофиянинг мумтоз талабларини қўллаш мураббаъ асосида юзага келган янги шеър шаклларида ҳам, мумтоз ғазал ва рубоийларда ҳам анъанавий шеър табиатининг янгиланишига сабаб бўлди.

10. Насрдаги мумтоз анъаналарга садоқат XX аср бошларида яратилган ҳикоя, қисса ва романларнинг структурасида акс этади. Саъдий Шерозий ва Хожанинг ҳикоятлари мумтоз ҳикоянинг мезони сифатида қаралиши билан бирга улардаги қиссадан ҳисса тарзида шеър келтириш анъанаси жаид адабиётда ҳам акс этган. Мумтоз ҳикоячиликдаги дидактик оҳанг ва эпик тасвир жаид ҳикоячилигида трансформацияга учрайди ва воқеалар оқимида қараб гоҳ тезлашиш, гоҳ осойишталик юзага келади. А.Қодирий янги ҳикоячи-қаҳрамон типининг вужудга келишида эпик тасвирнинг мумтоз насрга хос белгиларини сақлагани учун асар персонажлари ёрқин тимсол даражасига кўтарилди ва реалистик моҳият касб этади. Чўлпон ҳикояларида маърифатнинг жаҳолатдан устун қўйилиши ва дунё саодатига элтувчи восита сифатида талқин этилиши мумтоз адабиётдаги маърифийлик ғояларининг янги давр олдига қўйган ижтимоий масалалар билан синтезлашуви тарзида юзага чиқди.

11. Ўзбек жаид адабиётига саёхатнома типдаги асарларнинг кириб келиши мумтоз насрдаги хилма-хил жанрлар кенг қўлланилиш даврига қадам қўйганидан далолат беради. Бироқ жаид насрида саёхатнома йўналишидаги асарларда сафардаги муаллиф-қаҳрамон вазифаси ўзгаради, у фақат воқеа-ҳодисани кузатувчи ёки кундалик юритувчи бўлиб эмас, балки ҳодисотларнинг таҳлилчисига айланади. Бу таҳлил жараёнида Бехбудий қаҳрамони хорижда кўрган фан ва маданият янгиликларини ўзбек заминига кўчиришга интилса, Авлоний асари қаҳрамони сафар давомида учраган шаҳар ва қишлоқларнинг аянчи ҳолатини кўриб уни тузатиш йўлларини ахтаради. Чўлпон сафарномаларида эса сайёҳ-муаллиф тасвиридаги воқеа баёни рухий ҳолат тасвири билан алмашинади, қаламга олинган ҳар бир воқеа ва предмет рамзийлик касб этади.

12. Ўзбек мумтоз насри анъаналарини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш ва улардан унумли фойдаланиш натижасида «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» каби романларда Қодирий ижодиётининг ўзига хос абадиятини таъминлаган омил сюжетнинг таранг тортилиши, воқеаларнинг изчил, муфассал ва тугал баёни, характер яратишда қахрамонлар портрети тасвирига алоҳида эътибор берилиши, асар тилининг имкон қадар халқ тилига яқинлашуви каби ҳолларда кўзга ташланади. Мўминжон Тошқиннинг «Турмуш урунишлари» асаридаги хронологик тартиб «Бобурнома»даги воқеалар баёнининг изчиллиги билан боғланади, бироқ муаллиф давр талабларидан келиб чиқиб реалистик тасвир билан иш кўради, замонавий кундалик юритиш услубини ўз асари учун асос қилиб олади. Мумтоз анъаналардан узоқлашиб, замонавий роман усулларига боғланиш жараёни ўз-ўзича кечмаган. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи поэтикасида янги замон техникаси талаб қилган сюжет сиқиклиги, характерларнинг аниқ ифодаси, эпик кўламнинг сертармоқлиги каби жиҳатларга эришишда мумтоз наср хусусиятларини янги замонавий талқин билан синтезлаштиргани етук роман яратилишида ўзига хос бадийлик омили бўлиб хизмат қилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.Fil.46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТОЖИБОЕВА МУКАДДАС АБДУРАХИМОВНА

**ТРАДИЦИИ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ
В ТВОРЧЕСТВЕ ПИСАТЕЛЕЙ-ДЖАДИДОВ**

**10.00.02–Узбекская литература
(филологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Совете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.DSc/Fil. 103.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на трех (узбекский, русский, английский (резюме) языках на веб-странице Научного совета (www.tai.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Болтабоев Хамидулла Убайдуллаевич**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каримов Наим Фотихович**
академик АН РУз, доктор филологических наук,
профессор

Салохий Дилором Исомиддин кизи
доктор филологических наук, профессор

Каримов Баходир Нурметович
доктор филологических наук

Ведущая организация **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.46.01 по присуждению научных степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан «__» _____ 2018 г. в ____ (Адрес: 100060, Ташкент, проезд Шахрисабзский, дом 5. Тел.: (99871) 233-36-50, факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирован за номером _____). Адрес: 100100, Ташкент, Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года.
(Протокол реестра рассылки № _____ от «_____» _____ 2018 года).

Б.А.Назаров

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.филол.н., академик

Р.Баракаев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.филол.н.

Н.Ф.Каримов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.филол.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении в определенной степени изучены формирование, развитие и особенности поэтики периода узбекской джадидской литературы, определено место, занимаемое ею в общественной и социально-политической жизни. В настоящее время в современном литературоведении приобретают все большую актуальность разнообразные проблемы изучения литературы джадидов, являющейся неотъемлемой частью мировой литературы, а именно, исследование проблем специфики литературы данного периода, традиции, преемственности, новизны и преобразований, имевших в ней место. Данное обстоятельство, в частности, его почти одновременность в литературе восточных народов, формирует определенную общность их своеобразия.

В мировом литературоведении, в связи с тем, что задачи, связанные с литературой джадидского просветительства, в частности, глубокое исследование текста и смысловых уровней произведений писателей-джадидов, новый подход к исследованию их творчества, осмысление личности и творческого наследия каждого из художников с исторической точки зрения давно превратилось в естественный процесс работы, создаваемые в этом направлении, приобретают важное научно-теоретическое значение.

Узбекская классическая литература занимает достойное место в духовном и просветительском развитии человечества, благодаря соответствующему вкладу, внесенному ею в развитие и совершенствование мирового художественного мышления. Поскольку, «у нас достойная восхищения великая история, достойные восхищения великие предки, достойные восхищения несметные богатства. И я убежден – у нас будет достойное восхищения великое будущее, великие литература и искусство»¹. Следовательно, исследование традиций классической литературы в свете текущего процесса восстановления культурных, литературных и исторических ценностей, особенно с точки зрения обеспечения духовного совершенствования молодого поколения приобретает соответствующее учебно-воспитательное значение.

Писатели-джадиды продолжили идейно-художественные традиции и поэтические формы классической литературы в новых исторических условиях, освоили в своем творчестве жанровые особенности классической литературы, обеспечили непрерывность развития литературного процесса, и плодотворно использовали для развития литературы периода национального возрождения традиционные поэтические жанры, символы и поэтические средства. Исследование проблем реформирования структуры подобных

¹Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

взаимодействий, вопросов преемственности классических традиций, послуживших основой для литературно-художественного обновления, а также проблемы литературных влияний являются одной из важных задач, стоящих перед современным литературоведением, необходимость решения которых обеспечивает актуальность данного исследования. Тем более, что до недавнего времени в литературоведении при исследовании формирования и развития литературы джадидов больше внимания уделялось ее новаторству, и потому вопросы, касающиеся преемственности традиций классической литературы, не получили должного научного обобщения.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4749 от 13 мая 2016 года «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», в Указе Президента Республики Узбекистан от 25 августа 2006 года «О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительской работы», в Постановлении Президента ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», в Указе Президента Республики Узбекистан УП-3271 от 13 сентября 2017 года «О программе по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», а также других нормативно-правовых актов, касающихся научно-педагогической сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в республике: «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Узбекская джадидская литература и проблемы воздействия на нее классической литературы находятся в центре внимания научно-практических исследований, проводимых в научных центрах и высших образовательных учреждениях по всему миру, в том числе и в Indiana University, Columbia University (USA), Humboldt Universität (Germany), Tokio University (Japan), Azərbaycan Dövlət Mədəniyyət və Əncəsənət Universiteti, а также в институте Узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан, в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, в Ташкентском государственном институте Востоковедения (Узбекистан) и в Андижанском государственном университете.

Узбекская литература джадидов и проблемы воздействия на нее классической литературы находятся в центре внимания научно-практических

² Комментарий о зарубежных научных исследованиях выполнен по следующим источникам: www.indiana.edu, www.universityofcalifornia.edu, www.humboldt.edu, www.ziyonet.uz

исследований, проводимых в научных центрах и высших образовательных учреждениях по всему миру, в том числе и в Indiana University, Columbia University (USA), Humboldt University (Germany), Tokio University (Japan), Azərbaycan Dövlət Mədəniyyət və Əncəsənət Universiteti, а также в институте Узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан, в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени А.Навои, в Ташкентском государственном институте Востоковедения (Узбекистан) и в Андижанском государственном университете имени З.М.Бабура.

В зарубежном литературоведении в результате изучения литературы джадидов были получены следующие результаты: выдвинуто мнение о том, что тюркские народы, обнаружили богатство своей культуры прошлого и занялись переосмыслением своей истории (Международный центр научных исследований США – IREX); уделено внимание проблемам классической литературы и ее проявлений в современной литературе, и произведения некоторых джадидских писателей, в частности, повесть А.Фитрата «Записки индийского путешественника» прокомментирована в связи с классическими прозаическими произведениями (Stanford University, США), исследована связь между классическими источниками и художественными произведениями, вошедшими в «Образцы узбекской литературы» А. Фитрата (Токуо University, Япония); определена проблема классических традиций в структуре произведения (Columbia University, США); исследуя стиль повествования в романе «Минувшие дни», через посредство анализа романа в структуральном аспекте, обосновано, что в этом произведении автор широко использовал стиль народных дастанов (поэм), от которого отдалился при создании романа «Скорпион из алтаря» (Washington University, США); рассматривая романы XX века в историческом аспекте, исследованы следы исторических произведений в поэтике «Минувших дней» (University of Wisconsin-Madison, США); проанализирована поэзия Чулпана, личность художника, а также проблемы его отношения к историческому наследию (Bilkent University, Турция); изучены место художественных средств в процессе национального Возрождения в Туркестане и вопросы отношения к отошедшим в прошлое традициям литературы (University of Texas at Austin, США). Также отмечено, что влияние творчества А.Навои на турецкого поэта Ахмада Пошо остается постоянным и может применяться и по отношению к поэтам XX века (Институт узбекского языка, литературы и фольклора). Предпринят сравнительный анализ обеих романов А.Кадыри в единстве и особо оговорено присутствие двойного решения в романах, а именно элементов народных сказок и реализма (Ташкентский государственный институт узбекского языка и литературы имени А.Навои).

В мировом литературоведении важное теоретическое значение приобрели научные исследования, выполняемые по таким ведущим направлениям, как изучение жизни и деятельности узбекских джадидских

писателей и идеологических аспектов их произведений, поиск неизвестных произведений писателей-джадидов и введение их в научный обиход, исследование воздействия традиций классической литературы на литературу джадидов, что проанализировано в работах узбекской ученой З.Мирзаевой, относящихся к «Изучению узбекской литературы XX века в Америке»³.

Степень изученности проблемы. Литературоведение джадидов уже в начале XX века предприняло попытки исследования вопросов влияния классической литературы на узбекскую джадидскую литературу. Однако, в связи с репрессиями, которые привели к гибели узбекских писателей и к забвению их творчества, в советском литературоведении данное научное направление прервалось, и только несколько позже, в 60-х годах прошлого столетия было проведено несколько исследований. В этом направлении необходимо упомянуть научные труды Э.Каримова, Б.Касымова, А.Алиева и таджикского ученого Х.Мирзозады⁴. В конце 80-х годов XX века и в эпоху независимости такие литературоведы как О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Касымов, Б.Назаров, Х.Болтабоев, Ш.Ризаев, И.Ганиев, Д.Куранов, Б.Каримов и У.Журакулов создали детальные, свободные от идеологического давления исследования об узбекской джадидской литературе⁵.

В научных работах вышеупомянутых исследователей тщательно изучено творчество джадидских писателей, определено их место и значение в истории национальной литературы, изучены проблемы их мастерства. Кроме того, были предприняты исследования о традициях Фирдоуси в творчестве Навои, о проблемах творческого влияния, а также о воздействии классической литературы на творчество Хамзы и А.Кадыри⁶; Н.Афокова в

³ Мирзаева З. XX ўзбек адабиётининг хорижий таджикотчилари. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016; XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Akademnashr, 2017.

⁴ Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. – Тошкент: Фан, 1975; Қосимов Б. Излай-излай топганим. Тошкент, 1981; Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. – Тошкент, 1983; Алиев А. Абдурауф Абдурахим ўгли Фитрат. – Тошкент, 1991; Мирзозода Х. Основные вопросы идейно-эстетического развития таджикской поэзии 20-х годов: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Душанбе, 1968.

⁵ Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Тошкент: Ёзувчи, 1994; Норматов У. «Ўткан кунлар» хайрати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002; Назаров Б. Фитрат маърифатининг гултожи // Шарқ юлдузи. – 1991. № 8. –Б. 8–9; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1996. 367 б.; Ўша муаллиф. Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2007; Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1995; Ганиев И. Фитрат, эътиқод, ижод. – Тошкент: Камалак, 1994; Ганиев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 1998; Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004; Каримов Б. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Тошкент: Университет, 2000; Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002; Жўракулов У. Фитратнинг таджикотчилик маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006.

⁶ Ҳомидов Ҳ. Навоий ижодида Фирдавсий аънаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985; Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968; Мўминов Ғ. Традиция ва маҳорат / Ҳ.Ҳ.Ниёзий поэзиясида традиция ва новаторлик масаласи. – Тошкент: Фан, 1968; Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари (девон мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1992; Соатова Н. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида эпик тасвир аънасалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001.

своей работе «Поэтика джадидской поэзии» рассмотрела некоторые грани данной проблемы в связи с творчеством А.Авлани, Аджзи и Чулпана⁷. В этих работах высказано отношение к некоторым аспектам проблемы, однако еще не было создано специального исследования, посвященного изучению анализа традиций классической литературы, нашедших отражение в узбекской джадидской литературе. Данное исследование отличается тем, что в нем обозначенная научная проблема исследуется в монографическом плане.

Соответствие исследования плану научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Национального Университета Узбекистана, а также отразилась в таких проектах как: ОТ-Ф8-151 «Адабиёт энциклопедияси» («Литературная энциклопедия») (2007-2011), и Ф1-02 «Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи» («Фундаментальное исследование истории литературоведения») (2012-2016).

Цель исследования заключается в изучении традиций классической литературы, отраженных в узбекской джадидской литературе, место традиционных образов в системе их художественных произведений, а также их значение в определении своеобразия стиля и мастерства писателя.

Задачи исследования:

изучить отношение узбекских джадидских писателей к проблемам традиции, преемственности и литературного влияния;

проанализировать степень использования жанра газели в творчестве поэтов-джадидов и масштабы новшеств, введенных ими в поэтику жанра;

раскрыть своеобразие художественного мастерства поэтов-джадидов через посредство анализа малых лирических жанров узбекской поэзии начала XX века;

определить новые свойства жанра мусаммат, отраженные в творчестве джадидских поэтов, а также его форм;

изучить особенности обновления традиционных образов и изобразительно-художественных средств, активно применявшимся в поэзии;

определить место системы аруза и классической структуры рифмовки в поэзии XX века;

